

(1749-1800)

(1785-1800)

Бухоро амири. Мангитлардан бўлган. Ёшлигидан художой, порсо бўлиб ўсган. Мадрасани битириб дарвишлик сулуки соликларидан бирига айланади. Шунинг учун халк уни хурмат билан “амири маъсум” (беғунох амир) унвонини берган. Шохмурод дарвишона ҳаёт кечирар, шайх маслаҳати билан бозорда ҳаммоллик киларди. Кейин эса пичокка кин ясаб сотиб, шу оркали рўзгор тебратган. Унинг халк орасида обрўси катта бўлганлиги учун Дониёлбий уни ўзига валиаҳд этиб тайинлашга мажбур бўлган. Ўн нафар укаларидан бирортаси ҳам Шохмуродни ёқтирмас эди. Амирлик тахтига чиккач (1785), укаларининг ҳар бирига биттадан вилоят ҳокимлигини топширади. Марказий ҳокимят мустаҳкамлаш ишига каттий бел бўғлаган ҳукмдор эди. Мангит намоёндалар орасида Шохмурод ҳам шахс, ҳам арбоб сифатида алоҳида ўрин тутган, десак хато бўлмайди. Золим кўшбеги ва козикалон Низомиддинни катл эттиради. Ҳарбий ишлар, козилик ишларини шариат конунлари асосида ташкил қилади. Ҳокимият бошқариш тартибларини ислох қилиб, сиёсий тарқокликка барҳам беради.

Шохмурод ўз фаолиятида оммага таяниб иш тутган. Адолат тамойилларига каттик амал қилди. Ўзи ҳам нихоятда камтарин ҳаёт кечирган. Жумладан, бир йилда бир олача чопон, бир бўз қўйлак қийган. Бошига олти газли бўз салла, оёғига эчки терисидан тикилган саҳтиён маҳси ҳамда ковуш қийган. Марв яқинида Исломобод шаҳрини қурдирган.

ХВИБИИ асрнинг 20-йилларида бошланган ўзаро қурашлар натижасида Самарканд таланган, вайрона холига тушиб қолган эди. Амир Шохмурод эса кўплаб қурувчи, қошинпаз ва наққош усталарни тевақал атрофдан олиб қелтириб, Самарканд шаҳрини қайта қишлоқни қуруди. Қайта қурилажак шаҳар тарҳини Амир Шохмуроднинг ўзи қилиб берган.

Амир Шохмурод бундан ташқари, Гузор туманида мадраса ва масжид қурдирган. Шаҳар марказида олти қиррали Чорсу қурилиб, “Токи мусаддас” деб аталган. Самарканднинг ҳар бир мадрасасига имом, муаззин, мударрисларни Шохмуроднинг ўзи тайинлаган. Талабалар ва мударрисларнинг маоши учун вақф ерлари ва мулклар ажратган.

Амир Шохмурод баъзи ислохатлар ўтказиб давлатни мустаҳкамлашга эришди: Бож ва хирождан бошқа барча солиқларни қайтарди. Отаси Дониёлбий даврида жорий этилган турли солиқларни бекор қилган. Раис мансабини ва қўшин тарқибиде қози аскарлавозимини жорий қилди. Отаси даврида қисқартирилган вақф ерлари миқдорини оширди. Бу билан ислом руҳонийлари эътиборини қозонди. Мамлакат иқтисодини йўлга қўйишда Шохмурод ўтказган пул ислоҳоти муҳим аҳамият қосиб эди: Шохмурод соф қумушдан танга зарб қилишни қуруди. Қимнинг қумуши(нукраси) бўлса, зарбхонага топшириб, эвазига янги тангалар – пул олиши мумкин эди. илгари зарб қилинган тангалар бекор қилинди. Янги пул тижорат ишлари ривожига йўл очиб берди. Барча вилоятларга янги ҳокимлар тайин қилди, ҳар шаҳар ва қишлоққа қози тайинлади. Бу билан ҳокимлар ўз бошимчалигига барҳам берди. Шохмуроднинг ўзи қозиларга дастур бўладиган фикр ҳақида “Айн ул-хикмат” номли рисола ёзди ва илгари қурулган қондаларни барча

вилоятларга жорий килди. Шохмурод жорий килган конун бўйича ким мол-мулкка хиёнат килса жамиятдаги мартабасидан катъи назар каттик жазога тортилиши лозим эди. Бу тадбир халк манфаатларига тажовузнинг олдини олди. Шариат конунларини амалга тадбик этиш мақсадида раислик (мухтасиб) мансабини жорий килди.

Марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамланишини қарвон йўлларининг хатарсизлигини таъминлади. Пул ислохоти эса тижорат равнакига сабаб бўлди. Зарафшон водийси, Амударё хавзаси ва Кашкадарё воҳаси қадимгидек обод бўлди. Давлат маблағи ҳисобидан анхорлар чиқарилиб, ташландик ерлар обод этилди. Натижада, давлат ҳазинасида тушум кўпайди.

Амир Шохмурод 1789-1790-йиллари Марвда ўз ҳокимиятини ўрнатиб, марвликларнинг бир неча ўн минглик кишини Самарканд ва Бухорога кўчиртиради. Шундан сўнг, эскидан Самарканд ёки Бухоро (яъни пойтахт маъносида) измида бўлиб келган Балх, Маймана, Андхуд каби вилоятларни ҳам қайтариб олиш пайига тушади. Аммо бу осон эмас эди. Зеро, 1747-йилдан бошлаб Балх, Бадахшон, Андхуд, Маймана, Шаркий Сеистон, Балужистон, Синд, Кашмир, Панжоб каби вилоятларни ўз тасарруфига олган Афғонистон ҳудудида ташкил топган дурронийлар сулоласи намоёндаси Темуршоҳ ҳам бўш келадиганлардан эмас эди. Хуллас ўзаро қурашлар каттик бўлсада сезиларли натижа чиқмаган.

Бухоро хонлигини бирлаштириш ва марказлаштириш учун қурашни давом эттирган. Мангитлар сулоласининг намоёндаси бўлган Шохмурод Бухорода (1785-йилда) халк кўзғолонидан кейин тахтга ўтириб, ҳокимиятни ўз қолига олган. Шохмурод кўзғолонни бостириш учун Бухоро аҳолисига ён беришга мажбур бўлди: у шаҳар аҳолисига тантанали равишда Тархон ётрлиги топширди. У муолиявий, маъмурий, ҳарбий ва суд ислохотларини ўтказишга мажбур бўлди. Пул муомаласида, солиқ ишида суд ва маъмурий бошқарув ишларида маълум тартиб ўрнатишда ҳамда савдогарларни ва ҳунарманд қосибларни ўзларининг мулкларига феодаллар томонидан қилинаётган Тааддийлардан бирмунча қутқариш орқали давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга интилди. Номига хон қилиб қўтарилган Абдулғози номидан 1785-йилда Шохмурод томонидан ўтказилган пул ислохоти илгариги қадри паст тангалардан ташқи қўриниши бошқача бўлган қичқроқ ва вазни қамроқ бўлган тўла қимматли қумуш тангаларни қуқаришдан иборат бўлди. Шу билан бир вақтда, у бемалол танга зарб этириш системасини жорий этди. Шохмуроднинг бу ислохоти ХВІІІ-ХВІІІІ асрларда пул муомаласига қўп путур етқазган чайқовчиликка ва тангаларни бузишга йўл қўймаслиги лозим эди. Шариатга тўғри келмайдиган ёргу, бож, тарх, тушмол, ясоқ, олиқ ва солиқ деб аталадиган бир неча солиқларни, шунингдек, илгариги хонлар ҳунармандлардан олишга одатланиб қолган ўлпонларини ва уларга юқлаётган текин меҳнат мажбуриятларни бекор қилди. Бироқ, даробмадлар қамайиб кетганлиги ва қатта қўшин сақлаб туриш зарур бўлиб қолганлиги буни аҳолидан “ Жул” деб аталган ва шариатга алсо таълуқли бўлмаган пул солигини тез олиб туришга мажбур бўлди. Шохмурод маъмурий ислохотни бухоронинг олий амалдорлари Давлатқушбегини ва Низомиддин қозикалонни ўз қўли билан қатл этишдан бошлади. Сўнгра вилоятларнинг беклари ва қозилари олиб ташланиб, уларнинг ўрнига янги амирнинг ҳамфиқрлари тайинланади.